

Date: 5<sup>th</sup> November-2024

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ТЕРГОВ ХИЗМАТЛАРИ  
БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Эргашов Лазизбек Обедқул ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

3-ўқув курси 309-гурух курсанти

**Аннотация:** Ушбу мақолада профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда тергов хизматлари билан ҳамкорлиги тушунчаси, унинг аҳамияти ва уни ташкил этиш асослари ўрганиб чиқилган.

**Таянч тушунчалар:** Профилактика, профилактика инспектори, ҳамкорлик, тергов хизматлари, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, ҳамкорлик аҳамияти.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Органларининг ҳуқуқий мақоми шаклланиб, муайян даражада мустаҳкамланди. Хусусан сўнгги йиллар мобайнида республикамизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши қурашиб тизимида бир қанча комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатимизда ҳуқуқтартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотлар фуқароларнинг ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашда, жиноятчиларни қидириш, бедарак йўқолганларни турган жойини аниқлаш ва топиш, жиноятлар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш чораларини кўриш, уларни фош этиш, жиноят ишларини тергов қилиш, қолаверса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт эканлиги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунда белгилаб берилган.<sup>1</sup>

Ички ишлар органлари ўзига юқлатилган вазифаларни амалга оширишда қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди. Аниқланган жиноятлар ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларга доир маълумотлар, мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашиш, шунингдек электрон шаклда алмашиш ва бошқа ахборотларни алмашишни амалга оширади.

Эл-юртнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар Ички ишлар тизимини яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақияти, аввало, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олдини олиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан узвий боғлиқ десақ, асло муболага бўлмайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни.

Date: 5<sup>th</sup> November-2024



Ички ишлар органларида фаолиятининг асосий шаклларидан бири бу ҳамкорликдир. Жамоатчилик асосидаги ёки ҳамкорликдаги фаолиятнинг асосий шартларидан бири эса, ўзаро келишилган холда хизматни ташкил этишdir. Ҳеч қайси давлат идораси ёки ташкилоти бошқа тузилмалар билан ҳамкорликни ташкил этмасдан, фақатгина ички имкониятлари доирасида фаолиятини самарадорлигини таъминлай олмаслиги барчамизга аёндир. Жумладан, ички ишлар органлари ҳам ўз зимасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда тизимга кирувчи тармок хизматлари, бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласи.

Профилактика инспекторининг ҳукуқбузарликларни олдини олишда тергов хизматлари билан ўзаро ҳамкорлигини ўрганаётган эканман, авваламбор, шу ўринда “ўзаро ҳамкорлик” атамасига таъриф беришим мақсадга мувофиқдир.

Ҳамкорлик атамасига олимлар қуйидагича таъриф келтиришган:

**Ҳамкорлик** бу — қонун ва қонуности актларга биноан, вазифалар, вақтлар ва йўналишлар орқали келишилган, хизмат кўрсатилаётган ҳудудларда фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳукуқбузарликлар, жиноятларнинг олдини олишда иштирок этувчи ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг куч ва воситаларидан биргаликда самарали фойдаланишdir.<sup>2</sup>

Дарҳақиқат, ҳамкорлик бу икки ёки ундан ортиқ бўлган субъектлар ўртасида ўзаро келишиб, ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиш, муайян вазифа ва функцияларни биргаликда адо этишдир.

**Ҳамкорлик деганда:** мазкур фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун хужжатлари ва қонун ости норматив ҳукуқий хужжатларига риоя этган холда, йўналишлар, вақтлари келишилган, хизмат олиб борилаётган ҳудудда, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳукуқбузарликлар, шу жумладан, жиноятларнинг олдини олишда иштирок этувчи куч ва воситалардан ҳамкорликда самарали фойдаланиш бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат яъни бошқарувнинг бир-бiriга бўйсунмаган холда алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириб, биргаликда бажарадилар.

Махсус адабиётларда ҳукуқбузарлик профилактикаси соҳасидаги ҳамкорликни қуйидаги тўрт даражада амалга оширилиши кўрсатилган: а) ички идоравий ҳамкорлик, яъни жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи органлар тизимига кирувчи хизмат ва бўлинмалар ўртасидаги ҳамкорлик; б) идораларро ҳамкорлик, яъни жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамда улар билан давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ҳамкорлик; в) жамоатчилик билан ҳамкорлик, яъни жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат

<sup>2</sup> Афанасьев В.А. Организация работы участкового инспектора милиции. М. 1990., С.-38.

Date: 5<sup>th</sup> November-2024



бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда аҳоли ўртасидаги ҳамкорлик; г) халқаро ҳамкорлик, яъни бошқа давлатлар, уларнинг хукуқни муҳофаза қилувчи ва жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи бошқа органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик<sup>3</sup> ..

**Профилактика инспекторининг тергов хизматлари билан ҳамкорлиги** – бу маъмурий ҳудудда криминоген вазиятни доимий равишда таҳлил қилиб бориши, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларни олдини олиш, ижтимоий-рухий муҳитни соғломлаштириш, криминоген омиллар таъсирини йўқотиш ва кучсизлантириш, ўзининг хулқи, ҳаёт тарзи бўйича жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга тарбиявий профилактик таъсир қўрсатиш, содир этилган жиноятларни очиш, қидирудаги жиноятчиларни аниқлаш ва ушлаш, жиноятларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тергов хизматлари билан қонун ва қонуности хужжатларида белгиланган ваколатлар, усул ва шакллар асосида келишилган тартибда биргаликда фаолият олиб бориши жараёнидир.

Шуни унутмаслик керакки, маҳалла ва бошқа аҳоли туар жойларида ички ишлар органларининг таянч пунктларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам улар негизида ички ишлар органлари турли соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамда улар билан ушбу ҳудуддаги жамоатчилик, бошқа давлат органлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш ҳисобланади.

Бу борада ички ишлар органлари таянч пунктлари субъектларининг касбий тайёргарлигини ошириб бориши, шубҳасиз, бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Негаки, ички ишлар органларининг таянч пункти барча субъектлари, хусусан, ҳудудий профилактика инспекторлари, жиноят-қидируд ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ҳудудий тезкор вакилларнинг асосий қисми улар фаолиятини тартибга солувчи амалдаги норматив-хукуқий хужжатларнинг мазмун-моҳиятини билмайдилар ҳамда уларни амалда қўллаш бўйича етарли кўнилмаларга эга эмаслар<sup>2</sup>.

Таянч пунктлари негизида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари ўзаро ҳамкорлигининг турли шакллари мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда иккига: ўзаро ахборот алмашиш ҳамда фаолиятга доир муайян чоратадбирларни ҳамкорликда режалаштириш, амалга ошириш, натижаларини умумлаштириш, муайян вазифаларни ҳал қилишда ўзаро ёрдам бериш ва қўллаб-куватлашда намоён бўладиган амалий ҳамкорликка ажратиш мумкин<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> Исмаилов И. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-хукуқий таъминлаш. Юрид. фан. доктори. Дис.-Т., 2006. -30-б.

<sup>2</sup> Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органлари таянч пунктларини малакали кадрлар билан таъминлашнинг бугунги ҳолати ва долзарб масалалари / Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси. – Т., 2016. № 3, – Б. 56.

<sup>3</sup> Ижтимоий жиҳатдан ҳавфли аҳволда бўлган оилалар билан ишлашда профилактика инспекторлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хузуридаги жамоат тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлиги: Ўқув қўлланма / Р. Раҳманов, А. Муродов, С. Хўжақулов. – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 55 б.

Date: 5<sup>th</sup> November-2024

Мазкур мантиқдан келиб чиқиб, профилактика инспекторининг тергов хизмати ҳамкорлигини қуидаги икки гурұхга ажратиши мүмкін:

*Биринчиси, үзаро ахборот алмашиш;*

*Иккінчиси, фаолиятта доир муайян чора-тадбирларни ҳамкорликда режалаштириш, амалға ошириш, натижаларини умумлаштириш, муайян вазифаларни ҳал қилишда үзаро ёрдам беріш ва құллаб-қувватлашда намоён бўладиган амалий ҳамкорлик.*

Профилактика инспекторининг ички ишлар органлари терговчилари билан үзаро ахборот алмашишга доир ҳамкорлиги жиноятларни фош этиш, қидирудаги ва бедарак йўқолган шахсларни қидириб топиш кабиларда намоён бўлади.

Профилактика инспекторининг ёки ички ишлар органлари терговчиларининг фаолиятта доир муайян чора-тадбирларни ҳамкорликда режалаштириш, амалға ошириш, натижаларини умумлаштириш, муайян вазифаларни ҳал қилишда үзаро ёрдам беріш ва құллаб-қувватлашда намоён бўладиган амалий ҳамкорлиги ҳам бир неча йўналишларда ташкил этилади.

Ички ишлар органи терговчиси таянч пункти таркибига кирмаса-да, уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишига хизмат қилувчи таянч маскан ҳисобланади. Терговчи хизмат фаолиятини амалға оширишда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик қиласи.

Профилактика инспекторларининг терговчилар билан ҳамкорлиги қуидагиларда намоён бўлади:

– ҳодиса содир бўлган жойга биринчи бўлиб етиб келган профилактика инспектори тергов-тезкор гурӯхи келгунига қадар, изларнинг сақланиши ва жойнинг қўриқланишини таъминлайди, ҳодиса ҳақидаги дастлабки маълумотларни тўплаб, терговчига ахборот беради, ҳодиса содир бўлган жойни текшириш, кўздан кечириш ва бошқа зарур ҳаракатларни ўтказишида терговчига ёрдам беради. Профилактика инспектори ҳодиса гувоҳлари ва бошқа шахслар билан содир этилган жиноят бўйича суриштирув ҳаракатларини ўтказади ва бу ҳақдаги маълумотларни терговчига тақдим этади. Шунингдек, терговчи айрим гувоҳ ва жабрланувчиларнинг вақтларини олмаслик мақсадидамазкур шахслар яшайдиган манзилдаги ички ишлар органларининг таянчпунктида профилактика инспектори кўмагида айрим (сўроққилиш, ўғирланган буюмларни жабрланувчи ёки гувоҳларгакўрсатиши каби) тергов ҳаракатларини ўтказиши мүмкін;

– ИИВ Ҳайъати қарорлари талабларига асосан, терговчилар юритувидаги қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиётчораси қўлланиладиган жиноятлардан ташқари жиноятлар бўйича тергов ҳаракатларини тегишли худуддаги ички ишлар органларининг таянч пунктида профилактика инспектори билан ҳамкорликда олиб борадилар. Профилактика инспектори маъмурий худудда содир этилган жиноятларни очиш бўйича муайян турдаги тергов ва процессуал ҳаракатларни амалға оширишда, процесс иштирокчиларининг терговга келишларини таъминлашда жиноят ишини юритаётган терговчига ёрдам беради;

Date: 5<sup>th</sup> November-2024

– терговчи муайян ҳудудда содир этилиб, очилмай қолган жиноятларни очиш бўйича ички ишлар органларининг таянч пунктига бориб, шу ерда профилактика инспектори билан ҳамкорликда ишни ташкил қилиши мумкин;

– профилактика инспектори терговчиларга жиноят ишлари юзасидан зарур бўлган маълумотларни тўплашда яқиндан ёрдам кўрсатади. Бунда профилактика инспекторлари йиғилган маълумотларни умумлаштирган ҳолда билдирги орқали мазкур жиноят иши билан шугулланувчи терговчини хабардор қилиб боради. Терговчи профилактика инспекторидан олинган маълумотларни ўрганиб, зарур ҳолларда кўшимча топшириқлар бериб боради;

– Жиноят-процессуал кодекснинг 38, 39-моддаларига мувофиқ, профилактика инспекторига суриштирувчи сифатида иш қўзғатишни рад этиш ёки аризани, хабарни терговга тегишлигига кўра ўтказиш ваколати берилган бўлиб, терговчилар жиноят ишини юритишда ариза ёки хабарнитерговга ўтказган тегишли профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик қиласидар;

– профилактика инспектори терговчилар билан биргаликда маъмурий ҳудудда содир этилган жиноятлар натижасида етказилган заарни қоплаш ва келгусида бу каби жиноятлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўради;

– профилактика инспектори терговчи билан бирга ҳарбир жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлади, уларни ўрганиб, шундай жиноятлар қайта содир этилишининг олдини олиш чораларини кўради, шу мақсадда ҳудуддаги давлат органлари, жамоат тузилмалари, корхона, муассаса ва ташкилотларга тегишли мазмундаги тақдимномалар киритиш масалаларида ҳамкорликда иш олиб боради;

– терговчи профилактика инспектори билан ҳамкорликда маъмурий ҳудудда содир этилган жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарларига таклифлар киритади ҳамда жиноий ишлар бўйича киритилган тақдимномаларни ўрганиш ишларини ташкил қиласидар;

– улар биргаликда жиноятларнинг олдини олиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш мақсадида, ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширадилар, жумладан маъмурий ҳудуддаги таълим муассасалари, уй-жой ширкатлари, корхона ва ташкилотларда учрашув, сухбатлар ташкил этиб, долзарб мавзуларда маърузалар ўқийдилар, қонунлар тизимидағи ўзгаришлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиб борадилар<sup>4</sup>.

Профилактика инспектори ўзининг зиммасига юклатилган вазифаларнинг ижросини тўлақонли таъминлаш йўлида ички ишлар органларининг бошқа хизматлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда ишни ташкил этади.

<sup>4</sup> Милиция таянч пунктлари негизида ҳамкорликни ташкил этиш ва бошқариш: Ўқув-амалий қўлланма / Ш. Т. Икрамов, М. З. Зиёдуллаев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 42-45 б.

Date: 5<sup>th</sup> November-2024



Шу боисдан, профилактика инспекторларининг ҳамкорликдаги фаолияти, хусусан, ички ишлар органлари терговчилари билан ҳамкорликдаги фаолияти ўзига хос хусусиятга эгалиги билан ажралиб туради.

Бу шаклдаги ҳамкорлик – ушбу таянч пункти хизмат кўрсатадиган ҳудудга биритирилган ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимларининг ўзаро ҳамда бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш ва аҳолига ижтимоий-ҳукуқий ёрдам кўрсатишга қаратилган, муайян вақт ва жойда амалга ошириладиган, усул ва воситаларга эга қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ижтимоий-ҳукуқий муносабатлар йиғиндисини<sup>5</sup> ўзида ифодалайди.

Таянч пунктлари негизидаги ҳамкорликни мазмун ва моҳиятига кўра учта турга ажратиш мумкин:

- 1) ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида ички ишлар органлари таркибий тизимиға киравчи тармоқ хизматлари ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги;
- 2) ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги;
- 3) ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимларининг бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи ва давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги.

Профилактика инспектори терговчилар билан ҳамкорликни амалга оширишда асосий эътиборни қўйидаги масалаларга қаратиши лозим:

- ходиса содир бўлган жойнинг ўзида уни «иссиқ изи»дан очишни ташкил этиш;
- терговга қадар текширув ва дастлабки тергов босқичида жиноят иши бўйича процесс иштирокчиларини мажбурий келтириш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, суриштирувчининг қарорига мувофиқ айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ва бошқа процессуал ҳаракатларни олиб боришда кўмаклашиш;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 14 май) қонуни талабларига мувофиқ, Жиноят-процессуал кодекснинг 84-моддаси билан тутатилган жиноят ишлари бўйича шахсларни ички ишлар органларининг профилактик ҳисобига олишни ташкил этиш;
- ИИВ Ҳайъати қарорлари талабларига асосан, қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланиладиган жиноятлардан бошқа жиноятлар бўйича тергов ҳаракатларини ҳамкорликда ташкил этиш;
- ҳудудда содир этилиб, очилмай қолган жиноятларни очиш бўйича ҳамкорликни ташкил этиш;
- жиноят ишлари юзасидан зарур маълумотларни тўплаш ва ўрганиш;

<sup>5</sup> Икрамов Ш.Т., Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктлари негизида ҳамкорликни ташкил этиш ва бошқариш: Үқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 8-б.

Date: 5<sup>th</sup> November-2024

— иш қўзғатиши ради этиш ёки аризани, хабарни терговга тегишлигига кўра ўтказиши ташкил этиш;

— маъмурий худудда содир этилган жиноятлар натижасида етказилган зарарни қоплаш ва келгусида бу каби жиноятлар содир этилишининг олдини олиш;

— худудда содир бўлган ҳар бир жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда ўрганиш, қайта содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш, шу мақсадда тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарларига тақдимномалар киритиш, уларни кенг жамоатчилик иштирокида жойларда биргаликда муҳокама қилиш<sup>6</sup>.

Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимларининг ўзаро ҳамда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, биринчидан, ушбу ҳамкорликнинг хуқукий тартибга солинганлигига; иккинчидан, ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, усул ва шаклларининг, куч ва воситаларининг аниқ белгилаб олинганлиги, шунингдек ҳамкорликнинг функционал ваколатлар доираси билан аниқ чегараланганига; учинчидан, ҳамкорликнинг мухим шарти бўлган ахборот мухитининг яратилганлигига; тўртинчидан, ҳамкорликнинг биргаликда режалаштирилиши, режаларнинг амалдаги ижроси самарали таъминланиши ва иш натижаларининг биргаликда таҳлил қилиб боришишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ички ишлар органларининг таянч пункти маҳалла ҳудудида хизмат қилаётган ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари, жамоат тузилмалари вакиллари учун асосий таянч пункт ҳисобланади. Профилактика инспекторининг улар билан узлуксиз равишда ҳамкорлик қилиб бориши ички ишлар органларининг таянч пунктлари зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга хизмат қиласи.

Профилактика инспектори ва хизматга жалб этилган ички ишлар органларининг бошқа хизмат ходимлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун ҳудуддаги оператив вазиятни, аҳоли таркибини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиши, профилактик ҳисобда турган шахсларнинг турмуш тарзи ва хулқ-атворини, ҳудуднинг хусусиятларини, транспорт воситаларининг характеристини, дам олиш ва кўнгилочар масканларни, диний ва оммавий маросимлар ўтказиладиган жойларни, савдо ва майший хизмат қўрсатиш корхоналарининг товар-моддий бойликлари сақланадиган омборларини, ғазналарнинг жойлашиши, техник жиҳатдан ҳимояланганлиги ва қўриқланиш тартибини ва мазкур ҳудудни таърифловчи бошқа барча маълумотларни билишлари зарур<sup>7</sup>.

<sup>6</sup> Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма / И. Исмаилов, М. З. Зиёдуллаев. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. - 141 б.

<sup>7</sup> Билолов А.Б. Дастлабки терговда маҳсус билимлардан фойдаланишнинг айrim хусусиятлари // Ички ишлар вазирлиги Академияси тингловчиларининг илмий мақолалари тўплами / Масъул мухаррир юридик фанлар доктори А.А. Отажонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 63-68 б.

Date: 5<sup>th</sup> November-2024

Ҳамкорликка киришишда профилактика инспектори хизматга жалб қилинган ходимларга ишнинг моҳиятини тушунтиради, хизмат ҳудудидаги тезкор вазиятнинг хусусиятлари, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган шахсларнинг яшаш жойлари, қидиувда бўлган жиноятчилар ва бедарак йўқолган шахсларнинг белгилари, ички ишлар органларини қизиқтирувчи барча шахслар ва маълумотлар тўғрисида, ўғирланган нарсалар ва уларни сотиш ёки ўтказиш мумкин бўлган жойлар, шунингдек чет эл фуқаролари келиши ва жойлашиши, турли жиноят ва хукуқбузарликлар содир этилиши эҳтимоли қўпроқ бўлган жойлар ва вақт ҳакида аниқ маълумот бериб, йўл-йўриқ кўрсатади. Хизмат давомида ҳар бир ходим ички ишлар органларининг таянч пункти билан алоқа воситалари орқали доимий равища алоқада бўлиб туради.